




# МАДАНИЯТ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВАЗИРЛИГИ НАШРИ

№26 (56) 27.06.2019 йил

27 июнь — Матбуот ва ОАВ ходимлари кун



## Касб байрамингиз муборак!

**Хурматли матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари!**

Сиз жамият, жамоат, раёсат фаолияти, мамлакатимиздаги ўзгаришлар, давлатимиз раҳбарининг эл-юрт тинчлиги, фаровонлиги, ватан равнақи йўлидаги сайёҳлик ҳаракатларини халқимизга руй-рост етказиб берувчи, камчиликларни очик-ойдин, ошкора айтиб, уларни бартараф этишга муносиб ҳисса қўшувчи одил сўз эгалари, жонқуяр журналистлар сифатида ҳамиша қадрлисиз. Сизларни бугунги айёмингиз, касб байрамингиз билан Маданият вазириликнинг номидан муборакбод этар эканмиз, энг аввало мустақкам соғлик, оилавий хотиржамлик, бундан кейин-

ги фаолиятингизда эса ғайрат-шижоат, мустақкам ирода ва касбий маҳорат ҳамиша ҳамроҳингиз бўлишини тилаймиз. Халқаро майдонда ўз ўрни, нуфузига эга бўлиб, янгилини бораётган Ўзбекистон Республикасининг ривожини, равнақи йўлида ўз билимингиз ва салоҳиятингизни ишга солиб, хормай-толмай меҳнат қилишингизга ишонамиз!

Барча соҳалар қатори маданият тизимидagi олиб борилаётган барча ишлар, ютуқлар билан бирга муаммо ва камчиликлар ҳақида кенг оммани хабардор



қилишда ва уларга ечим топиш учун таклифлар киритишда ўткир қалам, ҳолислик ва адолат энг муҳим қуролингиз бўлишига тилақдошмиз!

Касб байрамингиз қутлуг бўлсин!

**Хурмат билан,  
Бахтиёр САЙФУЛЛАЕВ,  
Ўзбекистон Республикаси  
маданият вазири**

Ушбу сонда

Муסיкий лойиҳа

### “Open air. Sahro simfoniyasi” ўтказилди

8-саҳифада >>

### Кутубхонада МИНИ-босмахона



8-саҳифада >>

### Консерватория Президент ташаббусларига қандай жавоб бермоқда?

3-, 5-саҳифада >>

Тарадду

## “Буюк ипак йўли” — халқ ижодиётида янги лойиҳа



Анъанавий халқ байрамлари, сайиллари, тўй-томошалар, қўйинги, маданий ҳордиқ билан боғлиқ барча тадбирни фольклор қўшиқларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Сабаби, халқ оғзаки ижоди намуналарида ажодларимизнинг бой маънавияти, турмуш тарзи, анъаналари, инсоний фазилатлари мужассамдир.

Фольклор — барча санъатнинг бошланиши, сарчашмаси. Ҳар бир халқнинг миллий ўзлиги, аввало, унинг куй-қўшиқлари, урф-одатлари ва маросимларида намоён бўлади. Ўзбек санъати, халқ ижодиёти дурдоналари неча минг йиллардан буён ривожланиб, авлоддан-авлодга ўтиб келмоқда. Халқимизнинг ўзидай содда, ўзидай доношманд, улуғ ва боқий бу мерос ўзбек деган номни ҳар ерда ва ҳар доим улуғлаб ту-

раверлади. Чунки фольклор деб аталган мерос халқнинг ҳамиша уйғоқ ва боқий тарихидир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Буюк ипак йўли” халқаро фольклор фестивалини ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 371-сонли Қарори қабул қилиниб, унга кўра ушбу фестиваль ҳар икки йилда бир марта Фарғона вилоятининг Марғилон шаҳрида ўтказилиши белгиланган. Ушбу фестивалнинг қадимий Марғилонда ўтказилиши бежиз эмас, чунки бу шаҳар хунармандчилик маркази ҳисобланади. Фестивалга Маданият вазирилик, Фарғона вилоят ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Республика маданият муассасалари фаолияти-

ни ташкил этиш илмий-методик маркази, Ўзбекистон Бадий академияси, Республика “Хунарманд” уюшмаси, Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти ҳамкорлигида тайёргарлик бошлаб юборилган.

— Фестивални ўтказишдан кўзланган асосий мақсад, ёшлар ва келажак авлод қалбида фольклор санъатига бўлган меҳрни ошириш, муסיкий мероснинг бой, бадий ва эстетик имкониятларини тараннум этиш, халқлар ўртасидаги дўстлик ришталарини янада мустақкамлаш, бошқа халқларнинг ҳам фольклор муסיқа санъатларини қамраб олиш, улар билан яқиндан илмий ва ижодий мулоқотлар ҳамда ҳамкорлик қилиш, маданий-маънавий муносабатларни халқаро миқёсда кенгайти-

ришдан иборат, — дейди Республика маданият муассасалари фаолиятини ташкил этиш илмий методик маркази директори Азамат Хайдаров. — Фестивалда юртимиз ва хориздан ташриф буюрган фольклор жамоаларининг кўрик-танлови, сайиллар, илмий-маърифий адабиётлар кўргазмалари, миллий соз ва либослар, хунармандчилик маҳсулотлари, фотосуратлар намоиши ташкил этилади. Шунингдек, фестиваль доирасида “Буюк ипак йўлида фольклор санъатининг ривожланиш жараёнлари”га оид халқаро илмий-ижодий конференция бўлиб ўтади. Анжуманда республикамиз ва хоризда мазкур соҳада тадқиқот, илмий изланиш олиб бораётган профессор-ўқитувчилар, ёш тадқиқотчилар ўз маърузалари билан иштирок этадилар.

Давоми 2-саҳифада >>

Донолар сузлайди...

Куёш нурларини беркитиб бўлмаганидек, ҳақиқатнинг чироғини ҳам сундириб бўлмас. Маҳмуд аз-Земахшарий

Ҳақиқат қанчалик қўл қаршилиқка учраса, кишиларнинг қалбидан шунча чуқурроқ ўрин олади. Абдулла Қаҳқор

Менинг вазифам ҳақиқатни айтиш, унга ишонтаришга мажбурлаш эмас. Жан Жак Руссо

Вилоят театрларида

“Захарли томчилар”



26 июнь — Халқаро гиёҳвандликка қарши кураш куни муносабати билан Самарқанд вилояти мусиқали драма театрида Тоҳир Малик асари асосидаги “Захарли томчилар” спектакли намойиш этилди.

Аҳмаджон Ниев режиссерлигида саҳналаштирилган мазкур спектаклда бугунги глобаллашув даврида яратилаётган имкониятларни ўз дунёқараши билан салбий ўзлаштирувчи ёш

ўқувчилар ҳаёти акс этирилган. Адашиш, хоё ҳавасга берилиш, боқимандалик кайфиятидаги асар қаҳрамонлари гиёҳванд моддаларга ружу қўйиб, разолат ботқоғига гарқ бўлишади.



Байрам тадбирлари



Хонандалар ёшлар ҳузурида

21 июнь куни Тошкент вилоятининг Куйичирчиқ туманида ёшлар маънавиятини юксалтириш ва уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича бешта муҳим ташаббус ижросини таъминлаш мақсадида маданий тадбир ташкил қилинди. Унда Ўзбекистон Республикаси маданият вазирининг биринчи ўринбосари, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ артисти Озодбек Назарбеков ҳамда “Ўзбекконцерт” давлат муассасаси томонидан ташриф буюрган санъаткорлар — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Гийос Бойтоев, Алишер Файз ва эстрада хонандалари Умар Шамсиев ҳамда Сарвар ва Комил иштирок этишди.

Қўшалок тантана кенг нишонланди



26 июнь куни Самарқанд вилояти Нарпай туманида Матбуот ва оммавий ахборот ходимлари куни ҳамда Ёшлар куни муносабати билан байрам тадбири ўтказилди. Тадбирда тумандаги 27-болалар мусиқа ва санъат мактаби жамоаси фаол иштирок этди.

Учрашув

Суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотлар

25 июнь куни Президент Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида “Суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотлар” мавзусида Олий суд раисининг жиноят, фуқаролик, маъмурий, иқтисодий муносабатлар билан ишлаш бўйича ўринбосарлари ва журналистлар иштирокида учрашув бўлиб ўтди.

Унда масъуллар суд-ҳуқуқ тизими, суд органларининг очиқлик ва шаффофлик даражаси, судьялар фаолиятининг адолатлилиги, соҳадаги ислохотлар ҳамда шу каби бошқа муҳим масалалар юзасидан журналистларнинг саволларига жавоб беришди.

— Судья ҳам одам, қарор қабул қилаётганда ҳақ қилаётган судьяларимиз ҳам бор, — деди Олий суд раиси ўринбосари Холмўмин Ёдгоров. — Шу пайтгача 151 нафар судьяга нисбатан интизомий иш қўзғатилган: 95 нафарига ҳайфсан, 15 тасига жарима жазоси тайинланган бўлса, 11 нафар судьянинг ваколати тугатилган. 27 нафар судьяга нисбатан қўзғатилган интизомий жавобгарлик тўғрисидаги иш тугатилиб, улар огоҳлантирилган. **А.МЎМИНОВ**

Давоми. Боши 1-саҳифада

“Буюк ипак йўли” — халқ ижодиётида янги лойиҳа

Фестивалда республикамизнинг ҳар бир ҳудудидан биттадан жамоа қатнашади. Шунингдек, унда хорижий мамлакат фольклор жамоалари ҳам иштирок этиш истагини билдирганлар.

Анжуманда танлов қўшиқчилик санъати (алла, ўлан, лапар, терма, маросим қўшиқлари халфачилик, бахшичилик), рақс санъати (турли ҳудудларга хос халқ рақслари) ва миллий қадим фольклор чолғучилик санъати (миллий мусиқа асбобларида асарлар ижроси) бўйича ўтказилади.

Қатнашчиларнинг чиқишлари юқори малакали мутахассислар, таниқли санъат ва маданият арбоблари, олимлар, тадқиқотчилар, шунингдек, иштирокчи давлатларнинг тегишли соҳалар намоёндаларидан иборат халқаро ҳайъат аъзолари томонидан баҳоланади. Баҳолаш жараёнида фольклор санъати намуналарининг асл миллий хусусиятлари, ижро этиладиган қуй ва термаларнинг бадиий-эстетик жиҳатлари, ўзига хослиги, халқ ижрочилиги усулларини эгаллаганлик даражаси,



кийиниш ва саҳна маданияти, либослардаги бадиий безакларнинг миллий анъаналарга мослиги, анъанавий мусиқа асбобларидан фойдаланиши каби жиҳатларга алоҳида аҳамият қаратилади. Танлов ғолиблари ташкилий қўмита томонидан диплом, эсдалик совғаси ва пул мукофотлари, яъни:

- 1-ўринга (ҳар бир йўналиш бўйича) 3 500 АҚШ доллари;
- 2-ўринга 2 500 АҚШ доллари;
- 3-ўринга 1 500 АҚШ доллари миқдорда топширилади.

Шунингдек, ҳар бир номинацияда биттадан I, II ва III даражали дипломлар, махсус мукофотлар, совринлар, эсдалик совғалари берилади.

Фестиваль якунида республикамиз ва хорижий мамлакатлардан ташриф буюрган санъаткорлар томонидан га-ла-концерт ташкил этилади. Ҳар икки йилда бир марта ўтказилиши белгиланган ушбу фестивал миллий анъаналарини давом эттириб келаятган хорижий ва юртимиз фольклор жамоалари ижоди билан яқиндан танишиш, уларнинг ижроларидан баҳраманд бўлиш имконини беради.

Қувонарлиси, фестиваль азалий анъана ва қадриятлари муштарак бўлган халқларни нафақат ижтимоий-сиёсий, балки маданий ва маънавий жиҳатдан жипслаштиришда, дўстлик алоқаларини мустаҳкамлашда ўзига хос кўприк вазифасини бажаради.

Барчангизни қадимий Марғилон шаҳрига, “Буюк ипак йўли” халқаро фестивалига таклиф этамиз!

**Нилуфар КАРИМОВА,**  
Республика маданият муассасалари фаолиятини ташкил этиш илмий-методик маркази бўлим бошлиғи

Байрам тадбирлари



Зоминда янги болалар оромгоҳи очилди

Зомин туманида Сирдарё вилояти касаб ва уюшмалари ташкилотлари бирлашмасига қарашли “Зомин” болалар оромгоҳининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Унда эстрада хонандаси Бахтиёр Хидиров ва вилоят маданият бошқармаси тасарруфидидаги “Санамлар” ҳамда “Севиноч” рақс жамоалари фаол иштирок этишди. Оромгоҳ маъмурияти томонидан маълум қилинишича, мазкур замонавий болалар оромгоҳи мавсумда 800 нафар болани қабул қилади. Келгусида эса маскан йил давомида, яъни қишки таътилда ҳам фаолият кўрсатиши, бундан ташқари, ўқитувчиларнинг дам олишларини ташкил этиш мўлжалланмоқда.

Очик эшиклар куни

Томошага марҳамат!

Ёшлар куни муносабати билан 29-30 июнь кунлари республикамиздаги барча театрларда бепул спектакллар намойиши, кўргазмалар, бадиий учрашувлар, концерт томошалари ўтказилади. Маданият вазирилик Ўзбекистон ёшлар иттифоқи билан ҳамкорликда уюштирилган мазкур томошаларга барча ёшдаги санъат мухлислари таклиф этилади!

Тайинлов

Ўзбекистон Республикаси маданият вазири Б.Сайфуллаевнинг буйруғи билан **Гулноза Абдуллаевна Шаджанова** Ўзбекистон Республикаси Маданият ва санъат кўргазмаси директори этиб тайинланди.

Гулноза Шаджанова бунга қадар Ўзбекистон давлат табиат музейи Илмий ишлар бўйича директор ўринбосари лавозимида фаолият юритган.



Ўзбекистон Республикаси маданият вазири Б.Сайфуллаевнинг буйруғи билан **Зайир Тухтаевич Тўлаганов** Сурхондарё вилояти маданият бошқармаси бошлиғи этиб тайинланди.

Зайир Тўлаганов бунга қадар Сурхондарё вилояти мактабгача таълим бошқармаси бошлиғи ўринбосари лавозимида фаолият юритган.



Болалар оромгоҳларида

“Парвоз” – “Табассум” меҳмони

Жиззах вилояти Фориш тумани маданият бўлимининг бадий ташвиқот гуруҳи томонидан 23 июнь куни “Табассум” болалар дам олиш оромгоҳида “Ёзни биз билан” номли дам олиш концерти ташкил этилди.

Тадбирда “Парвоз” ашула

ва рақс халқ ансамбли иштирокчилари — С.Ибрагимов, Б.Исмоилов, Ж.Рустамов, Ш.Сафаралиевлар ўзларининг куй-қўшиқлари ва кизикарли хангомалари билан болажонларга хуш кайфият улашишди. “Осмонсой” ҚФЙ худудидаги Каттабодгон қишлоғида жойлашган маз-



кур оромгоҳида айна пайтда 100 дан ортиқ бола дам олмақда.

25 июнь куни эса худди шундай концерт тумандаги “Жилғача” оромгоҳида бўлиб ўтди.

Ш.ҚўНИШЕВ,  
Фориш туман маданият бўлими бош мутахассиси.

Ташриф



Маданият вазири Жиззахда

Ўзбекистон Республикаси маданият вазири 22 июнь куни Жиззах вилоятининг Зомин, Шароф Рашидов туманлари ва Жиззах шаҳрига ташриф буюриб, Президентимиз илгари сурган беш муҳим ташаббус ижроси юзасидан амалга оширилиши лозим бўлган ишларни кўздан кечирди.

Б.Сайфуллаев томонидан Зомин туманидаги Пишағор қишлоғининг “Ёшлик” МФЙда жойлашган 100 ўринли маданият марказида, “Туркман”, “Чилонзор” ва “Гулистон” МФЙлари худудларида жойлашган коллеж ва мактабларда худудий раҳбарларга тегишли вазифа ва топшириқлар берилди.

Ташриф чоғида Ш.Рашидов туманидаги “Қора янтоқ” МФЙ худудида ўтган асрнинг 60-йилларида қурилган, айна пайтда қаровсиз ётган клуб биносини давлат хусусий шериклиги асосида маҳаллий тадбиркорларга бериш ва уни замонавий маданият марказига айлантириш масаласи муҳокама қилинди. Шу билан бирга, Жиззах шаҳридаги “Ўрда” маданият ва истироҳат боғида давлатимиз раҳбари илгари сурган беш ташаббус асосида ёшларнинг маданият ва санъатга, китобхонликка кизиқишини қўллаб-қувватлаш ишларини пухта ташкил этиш юзасидан мутасадди раҳбарлар билан келишиб олинди.

Мулоҳаза



Консерватория Президент ташаббусларига қандай жавоб бермоқда?

Ёхуд камчиликлар ортида қолиб кетган ҳақиқатлар ҳақида

“Халқ сўзи газетаси”нинг 2019 йил 14 июнь кунги 12-сонида “5 ташаббус ижросида ташаббускорлик етишмаяпти... ёхуд консерватория муаммоларига бир назар” деб номланган мақола чоп этилди. “Долзарб мавзу” рукида берилган ушбу мақолада тилга олинган муаммоларни ўрганиш мақсадида мазкур олий таълим муассасига ташриф буюрдик.

Санъатшунослик йўналишида мутахассислар етиштириб берадиган олий таълим даргоҳи ўқув йилининг якуни бўлишига қарамай, ҳамон гавжум. Бино ичкарасига кирган инсон чинакам ижодкорлар олами муҳитини ҳис этмай қолмайди: ҳар бир қаватда турли мусиқа асбобларининг, овозини созлаётган талабаларнинг товуши эшитилади.

Бино ичидидаги машғулот хоналарининг кўпиди ўқитувчилар талабалар билан дарс ўтаётганига гувоҳ бўлдик. Машғулот ўтказилмаётган хоналар эса чиндан ҳам қулфланган, аммо бу хавфсизлик ва жавобгарлик нуқтани назардан олиб қараганда табиий ҳол, назаримизда. Таълим даргоҳи ўқитувчилари ҳам бино катталиги ва ноёблиги босиб, консерваторияда алоҳида диспетчерлик, ёнги хавфсизлиги хизматлари мавжудлигини, ёнги учун жавобгар сифатида иккита ходим доимий равишда ўтириши, диспетчерлик хизмати бошлиғида эса ҳар бир хонанинг калити борлигини таъкидлашди.

Мақолада тилга олинган муаммолар билан танишиш учун бинони айланарканмиз, дастлабки эътироз — айнан ишчи гуруҳ ташриф буюрган куни ўқитувчиларнинг нега дарсда бўлмаганини суриштирдик. Молия ва иқтисод ишлари бўйича проректор Илхомжон Турсунбоевнинг айтишича, аслида ўша куни Вазирлар Маҳкамасининг Қарори билан Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси томонидан барча ўқитувчилар график асосида аттестациядан ўтказилмаётган экан. Шу сабаб, айрим ўқитувчилар дарсга кечиккан, ўша куни аттестация сабаб қолдирилган соатлар эса кейинги кунлар дарс жадвалига қўшилган.

ХОНА ЧИНДАН “МУҲОФАЗАГА МУҲТОЖ”МИ?

Мусиқа ва санъатга ихтисослашган таълим муассасаларининг ўқитувчилари учун вақтинча малака ошириш хонаси вазифасини бажараётган фуқаро муҳофазаси синфи девори аслида ёнма-ён блокланган бино деворларига туташ бўлган. Қурилиш муҳандислигида “ҳарорат чоки” дея аталувчи, оддий тилда айтганда эса турли табиий хавфларнинг олдини олиш мақсадида икки бино орасида қолдирилган бўшлиқ айнан шу ерда жойлашгани сабабли, сентябрь ойида таъмирдан чиқарилса-да, ёнги қилинган қўп бўлган пайтда хона деворлари яна косметик таъмирга муҳтож бўлиб қолаверади. Малака ошириш ва қайта тайёрлаш факультети декани Дилдора Соипованинг айтишича, аслида малака ошираётганлар бу хонадан вақтинча фойдаланиш туришибди, сабаби, айна пайтда асосий бинонинг орқа томонида улар учун қўшимча тўрт қаватли бино қурилмоқда. (Бирок юқоридики танқидий мақолада булар ҳақда негадир бирон изоҳ айтилмаган, аксинча, ҳола “мантисизлик ва масъулиятсизлик” сифатида баҳоланган!).

Музейлар фаолиятдан

Етти тилда сўзловчи аудиоғид


Фарғона вилояти тарихи ва маданияти давлат музейида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни янада ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарори, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 11 декабрдаги 975-сонли қарори доирасида хорижий сайёҳлар кўплаб ташриф буюрадиган музейларда чет тилларида ишловчи аудиоғид мосламаларини ўрнатиш ишлари амалга оширилмоқда. Шу мақсадда Фарғона музейи ва Тошкент шаҳридаги “Afrosiyob distribution” МЧЖ билан ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Мазкур ташкилот ҳомийлигида Марғилон шаҳридаги Эркин Воҳидов мемориал музейига “AG soolai-600” русумли аудиоғид ўрнатилди. У еттита тилда дастурлаштирилган бўлиб, бир гуруҳ (30 нафар томошабин) учун 21 йўналишдаги маълумотларни ҳикоя қилиб беради.

Дастурни ўрнатиш жараёнида “Afrosiyob distribution” МЧЖ мутахассислари музей ходимларига аудиоғид билан ишлаш жараёнини кўрсатиб, маҳорат дарсларини ҳам ташкил этишди.

Ҳозир вилоятнинг бошқа музейлари учун ҳам аудиоғидлар ўрнатиш ишлари режалаштирилмоқда.

Э.РАҲИМОВ,  
Фарғона вилояти тарихи ва маданияти давлат музейи катта илмий ходими



Ҳисобот концерти

Педагоглар малака оширди

Маданият вазирилик тизимида Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган Мусиқа соҳаси педагогларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш маркази ўз фаолиятини бошлади. 22 июнь куни Ўзбекистон давлат консерваториясининг кичик залида мусиқа ва санъат мактабларида дарс берувчи ўқитувчиларнинг ҳисобот концерти бўлиб ўтди.

Бу йил июнь ойида Малака ошириш марказида Тошкент шаҳри ва вилоятидан жами 131 нафар педагог ўз малакасини оширди. Мусиқий-назарий фанлар ўқитувчиси, халқ чолғулари ижроси, фортепиано ижроси ва эстрада вокал артисти йўналишлари бўйича дарс берувчи ўқитувчилар учун ташкил этилган малака ошириш курслари якунида тингловчиларга чиқиш тестлари билан бирга малака ишини ҳимоя қилиш вазифаси ҳам топширилди. Бундан ташқари, тингловчиларнинг нафақат педагогик, балки амалий — саҳнадаги малакаларини ошириш мақсадида ҳисобот концертлари ташкил этилди. Ўқитувчилар назарий билимлар билан бир қаторда ўзларининг ижрочилик маҳоратларини амалда яна бир бор синаб кўришди.



А.МҲМИНОВ, муаллиф олган сурат



Давоми 5-саҳифада

Маданий алоқалар

## Ўзбек-тожик ёшлари форуми



19-20 июнь кунлари Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Сурхондарё вилоят ва шаҳар кенгаши ташаббуси билан Термиз шаҳрида “Ўзбек-тожик ёшлари форуми” бўлиб ўтди.

Мазкур форум ўзбек ва тожик халқларининг адабий, мусиқий, маданий

ҳамда дўстона алоқаларни мустаҳкамлаш, келгусида маданий-маърифий тадбирларни ўтказишда ҳамкорлик қилиш мақсадида ташкил этилди. Форум доирасида Термиздаги “Ёшлар маркази”да кўргазмалар, шунингдек, Тожикистон Республикаси Президенти-

нинг давлатимизга ташрифи акс этган видеолавҳалар намойиш этилди. Шунингдек, кўшни давлатдан ташриф буюрган делегация вакиллари учун “Зип текстил” корхонасига, “Собид Адиб ат-Термизий” номидаги кутубхонага, Археология музейига саёҳат уюштирилди.

Мукофот муборак!

## Президент совғаси топширилди



Тошкент вилояти Бўка туманидаги “Бўстон” маҳалласида бўлиб ўтган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси масъуллари, Ўзбекистон Фанлар Академияси академиклари, ёзувчи ва шоирлар, эл ардоғидаги санъаткорлар иштирок этишди.

1 июнь кунли мамлакатимиз раҳбари Бўка туманидаги “Бўстон” маҳалласига ташриф буюриб, бешта ташаббус доирасида туманда амалга оширилаётган ишлар билан танишган эди. Давлат раҳбарининг мазкур маҳаллага ташрифи чоғида худудда жойлашган 27-умумтаълим мактабининг 2-синф ўқувчиси Фазилат Ёқубова ўзининг “Беш ташаббус” деб номланган шеърини ўқиб берган эди.

Тадбир доирасида Фазилат Ёқубовага Президент совғаси — “Cobalt” автомобили топширилди. 19-болалар мусиқа ва санъат мактабига ҳам Президент совғаси — “Isuzu” автобуси берилди.

“Бўстон” маҳалласи аҳолиси, ёшларининг Ўзбекистон илм-фан, адабиёт ва санъат намоёндалари билан учрашуви давом этмоқда. Президент совғасини Тошкент вилояти ҳоқими вазифасини бажарувчи Рустам Холматов топширди.

Ёшлар ойлиги

## Бойсунда оммавий рақс сахнаси



21 июнь кунли Сурхондарё вилояти Бойсун тумани маданият бўлимида Президентимиз томонидан илгари сурилган беш муҳим ташаббус асосида ташкил этилган “Бойчечак”, “Ифтихор” ва “Парвоз” ҳаваскорлик жамоалари, бўлим ва мактабларда ташкил этилган тўғарақлар аъзолари ҳамда “Қуралай” ансамбли иштирокчилари билан биргаликда “Якку як” қўшиғига оммавий рақс сахнаси ташкил этилди.

180 нафардан ортиқ санъатсеварлар қатнашган ушбу тадбир видеотасвирга ҳам олинди. Ёшлар кунли муносабати билан ташкиллаштирилган рақс сахнасини 100 дан ортиқ томошабин кузатди.

Кўргазма

## Рангларда акс этган умр



Нукусда, И.В.Савицкий номидаги Қорақалпоғистон давлат санъат музейида Ўзбекистон бадиий академияси академиги, Бердақ номидаги давлат мукофоти совриндори, Ўзбекистон халқ рассоми Жоллибай Изентаевнинг ижодига бағишланган “Рангларда акс этган умр” номли кўргазма намойиши бошланди.

Мазкур кўргазмадан рассомнинг 1970-1990 йилларда яратган музей коллекциясидаги асарлари ва кейинги йилларда ишланган турли жанрдаги суратлари ўрин олган. Улар орасида портретлар, “Хива”, “Домсқдаги черков”, “Нукус ҳовлиси”, “Қишлоқ манзараси” каби пейзаж асарлари, натюрморتلар бор.

Ж.Изентаев кўп йиллар давомида ижодий фаолият билан бирга Ўзбекистон бадиий академиясининг Қорақалпоғистон бўлими бошлиғи сифатида иш олиб борди. Унинг ижодий мероси қорақалпоқ рассомчилиги санъати ривожига муҳим аҳамият касб этади.

Ташаббус ижроси амалда

## Ёшлар фестивали бўлиб ўтди

Андижон вилоятининг Булоқбوشي туманидаги маданият ва истироҳат боғида “Беш ташаббус билан келажак сари” шиори остида ёшлар фестивали бўлиб ўтди.

Ўқувчи ёшларни умуминсоний ва миллий қадриятларга содиқ равишда юксак инсоний фазилатлар эгаси қилиб тарбиялаш, уларнинг онгини ва қалбини турли ёт ғоялар, маънавий ва мафқуравий таҳдидлардан ишончли ҳимоя қилиш, шунингдек, Президентимиз илгари сурган беш муҳим ташаббус ижросини таъминлаш мақсадида ўтказилган маърифий тадбир давомида турли ижодий ишлар, қўл меҳнаги буюмлари ва болаларнинг байрамона либослари кўргазмалари ҳам ташкил этилди.

Ёшлар фестивалида Ўзбекистон халқ ҳофизини Авазбек Маҳмудов, шоир, “Дўстлик” ордени совриндори Фарид Усмон, Қатарнинг Доҳа шаҳрида 2016 йили бўлиб ўтган XV ёғи Осие ўйинларининг олтин медали соҳиби Баҳодир Султонов, Зулфия номидаги давлат мукофоти совриндори Нилуфар Саматова каби меҳмонлар эҳтиром билан кутиб олинди. Тадбир доирасида арқон тортиш, кураш, тош кўтариш каби спорт мусобақалари ҳам ўтказилди. Шунингдек, туман ма-



даният маркази хонандлари, “Бойчечак” болалар ансамбли, “Парвоз” рақс ансамбли иштирокидаги концерт ва “Ифтихор” ўсмирлар жамоасининг “Беғубор кулги” деб номланган ҳажвий чиқишлари барча ташриф буюрганларга хуш кайфият улашди.

Тадбир якунида спорт мусобақалари ғолиблари, турли йўналишлар бўйича фаол иштирок этган ёшлар туман ҳокимлиги ва ҳамкор ташкилотларнинг фахрий ёрликлари ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Собиржон СОТВОЛДИЕВ,  
Булоқбوشي туман маданият бўлими ёшлар бўйича мутахассиси

## “Феруза”нинг ҳисобот концерти



17 июнь кунли Бухоро вилояти Қорақўл туманидаги 16-болалар мусиқа ва санъат мактабида туман маданият бўлими ҳузурдаги “Феруза” ашула ва рақс халқ дастасининг ҳисобот концерти бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни янада ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарори ҳамда ёшлар билан ишлашни самарали ташкил этишда маданият, санъат, ахборот технологиялари, китоб ўқишга қизиқишини ошириш, ёшлар маданиятини юксалтириш ва уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича илгари сурилган бешта муҳим ташаббус ижросини таъминлаш мақсадида ташкил этилган ушбу тадбирда туман маданият бўлими раққосалари, қўшиқчи ва хонандалари иштирок этишди. Улар ижросидаги ажойиб қўшиқлар ва гўзал рақслар йиғилганлар томонидан илиқ кутиб олинди.

»

## Санъат билан олам мунаввар



19 июнь кунли Андижон вилоятининг Марҳамат туманидаги маданият ва истироҳат боғида “Санъат билан олам мунаввар” деб номланган концерт намойиш этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти илгари сурган бешта муҳим ташаббус асосида ёшларнинг мусиқа, рассомчилик, адабиёт, театр ва санъатнинг бошқа турлари-

га қизиқишларини ошириш, истеъдодини юзага чиқариш ҳамда аҳолининг бўш вақтини мароқли ўтказишда ёрдам бериш мақсадида ўтказилган мазкур концертда Ўзбекистон давлат филармонияси Андижон вилоят бўлинмаси хонанда, созанда ва раққосалари ўз куй-қўшиқлари, жозибали рақслари билан томошабинларга хуш кайфият улашиб, уларнинг

олқишига сазовор бўлишди.

22 июнь кунли эса санъаткорлар вилоятнинг Андижон туманидаги маданият ва истироҳат боғида миллий мумтоз куй-қўшиқлар асосидаги “Кўнгил қўшиқчиси” деб номланган концертини намойиш этдилар.

Раҳимжон АХМЕДОВ,  
Ўзбекистон давлат филармонияси Андижон вилоят бўлинмаси директори

«Еш истьедодлар»

**Устозлар фахри**



Андижон шаҳридаги 1-болалар мусиқа ва санъат мактабининг ўзбек халқ чолғулари бўлими гижжак синфи ўқувчиси Султонбек Раҳимов 8-14 июнь кунлари Туркия давлатининг Анталия шаҳрида бўлиб ўтган IV халқаро кўрик-танловда муваффақиятли қатнашиб, Гран при соҳиби бўлди.



Андижон туманидаги 16-болалар мусиқа ва санъат мактабининг 2-синф ўқувчиси Шодия Абдуллаева эса июнь ойида Россия Федерациясининг Санкт-Петербург шаҳрида бўлиб ўтган "Вальс белых ночей" халқаро фестивал-танловда хореография йўналиши бўйича 1-ўринни қўлга киритди.

Мазкур мактабининг 2-синф ўқувчиси Фазилато Содиқжоновна ҳам май ойида Италиянинг Рим шаҳрида бўлиб ўтган "Rimini Danke Open" халқаро фестивал-танловда рақс йўналиши бўйича 2-ўринни эгаллаганди.

«Давоми. Боши 3-саҳифада»

# Консерватория Президент ташаббусларига қандай жавоб бермоқда?

## Ёхуд камчиликлар ортида қолиб кетган ҳақиқатлар ҳақида

— Талабаларнинг кўпи шартнома асосида ўқитилса-да, бюджетимизга тушаётган пуллар таълим даргоҳининг харажатларини тўла қопламайди, — дейди консерваториянинг молия ва иқтисод ишлари бўйича проректор Илҳомжон Турсунбоев. — Сабаби, бизда кўллаб олий таълим муассасалари каби 30-40 та талабага битта ўқитувчи дарс ўтмайди, дарслар якка тартибда ўтказилади. 2002 йил

да таъмирланган мебель ва жиҳозларни қайта таъмирлаш имкони бўлмаётгани, ўқув биносидаги ёритиш тизимига кузатишган айрим камчиликларимиз сабаби ҳам шунда. Аслида харажатларимиз бўйича ҳисобласак, контракт тўловлари ҳозиргига нисбатан икки баравардан ҳам ортиб кетиши керак. Бу ҳақда Маданият вазирлиги орқали Вазирлар Маҳкамасига баёнот ҳам берганмиз. Муам-

мо шундаки, харажатлар барча олий таълим муассасалари харажатларининг базавий нормаси (БНЗ) формуласи орқали Молия вазирлигида ҳисоб-китоб қилинади. Унга талабалар сони асос қилиб олинади. Аммо бизда талабалар сони кам, ўқитувчилар сони эса кўп. Яъни бу норма бизнинг даргоҳимизга тўғри келмайди. Келгусида бу масалани мана шу ички шароитларни ҳисобга олган ҳолда қайта

кўриб чиқишади, деган умиддамыз. Қолаверса, ўзимиз ҳам қараб турганимиз йўқ, таъмирланган ертўламининг маълум қисмини босмаҳона фаолияти билан шугулланганидан тadbиркорларга ижарага бериш орқали ҳамкорлик қилиш ҳаракатидамыз. Улар шу ерда фаолият олиб бориш билан бирга консерваториянинг шу йўналишдаги хизматларини ҳам бажариб беришади.

«Ташаббус ижроси амалда»


## Ёшлар кунига бағишланди



25 июнь куни Термиз шаҳридаги 22-бахшилар мактабининг фаоллар залида Ёшлар кунига бағишлаб, шаҳар маданият маркази қошида ташкил этилган ҳаваскорлик рақс тўғарақлари, бадийий жамоалар ва ҳаваскорлик халқ кўғирчоқ театри билан ҳамкорликда ярим йиллик ҳисобот концерти намойиш этилди.

«Амударё» болалар соғломлаштириш оромгоҳининг дам олувчилари иштирокида ўтган мазкур тадбирда рақс тўғарагининг яккаҳон ва жамоавий чикишлари, ҳаваскорлик халқ кўғирчоқ театри раҳбари Сарвиноз Давлатова ва ўқувчилари томонидан тайёрлаган саҳна кўринишлари намойиш этилди.

## «Биз соғлом турмуш тарафдоримиз!»



26 июнь куни Сурхондарё вилояти Термиз шаҳрида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи вилоят ва шаҳар кенгашининг ташаббуси билан «Биз соғлом турмуш тарафдоримиз, гиёҳвандликка қаршимиз!» шиори остида югуриш марафони бўлиб ўтди.

7 ёшдан 70 ёшгача бўлган аҳоли вакиллари иштирок этган марафонда Термиз шаҳар маданият маркази ходимлари, марказ тасарруфидидаги 1-, 2-мусиқа ва санъат мактаби ҳамда 22-сонли бахшилар мактаби ижодий жамоаси фаол қатнашди.

Марафон якунида ғолиблар ва фаол иштирокчиларга диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

### КОМПЬЮТЕР ХОНАЛАРИ ҚАНЧА?

Консерватория талабалари тест назоратлари ва машғулотларда 30 тадан компьютер билан жиҳозланган иккита ўқув хонасидан фойдаланишар экан. Юқоридаги мақола муаллифи «умумий талабалар контингентини ҳисобга олганда жуда ёмон кўрсаткич» дея танқид қилган Ахборот ресурслар маркази электрон ахборот ресурслари бўлимидаги 11 дона компьютер эса аслида марказ ходимлари учун эканлиги, бу ердаги компьютерлардан улар ўқув қўлланмаларини кўпайтириш мақсадида фойдаланиши маълум бўлди.



Ахборот-ресурс маркази директори Шохиджа Ходжаеванинг айтишича, кутубхонада мавжуд адабиётларнинг кўпи ноёб ва Европада чоп этилган. Нота асарларининг мазмунан эскирмаслигини ҳисобга олган ҳолда, кўриниши анча эскирган кўплаб адабиётлардан талабалар ҳам, ўқитувчилар ҳам хозиргача фой-

даланишади. — Консерватория раҳбариятининг ёрдами билан уларнинг кўпини янгилаш ишлари бошланган, — деди Ш.Ходжаева. — Бу китобларнинг электрон версиялари ҳам бор. Бундан ташқари, ўтган икки йилнинг ичида консерватория профессор ўқитувчиларининг мусиқа

йўналишидаги 48 номдаги китоби чоп этилди.

Қолаверса, кутубхонамиз доимий равишда янги бадий адабиётлар билан ҳам бойитиб борилади. Бу консерватория раҳбарининг китобхонликка, талабалар учун янги адабиётларни етказишга катта эътибор бераётганидан далолат эмасми? Аммо

«Халқ сўзи» муҳбирининг фақат адабиётларимиз эскилигига урғу бергани ва янги адабиётларимиз ҳақида бир оғиз эсламагани, рисоладагидек китоб жавонларимизни «китобларни зўрға кўтариб турибди» дея ёзгани, шу орқали қилаётган ишларимизни йўққа чиқариб кетганидан, очиги, яхшигина ранжидим...

### ИССИҚ СУВ ЧИНДАН ҲАМ МУАММОМИ?

«Спортзалда машғулотдан кейин талабаларнинг совуқ сувда ювинаётгани» ни даъво қилган мақола муаллифи қай даражада ҳақлигини сўраганмизда, И.Турсунбоев бу ҳолатни қуйидагича изоҳлади:


— Бу йил асосий бинодан 100 метр нарида айнан иссиқ сувни таъминлаб бериш учун қозонхона қурилди. Фақат иссиқ сув спортзалда машғулот ёки дарс бўладиган пайтда берилади, аммо бошқа пайтда ўчириб қўйилади. Ишчи гуруҳ келган куни ҳам жисмоний тарбия дарси йўқлиги сабаб, иссиқ сув ўчирилган бўлган.

Бундан ташқари, консерватория биносининг 8 минг квадрат метрдан иборат подвали — ертўласи 10-15 йил давомидида сув ва зах эди. 2019 йилда Вазирлар Маҳкамаси қарори асосида давлат бюджети-дан 5 миллиард сўм миқдоридида пул ажратилиб, мана шу ертўла тўла таъмирдан чиқарилди. Бу ерда ҳам спортзал, оркестрлар зали, талабаларнинг ўзи ўқиётган мусиқа йўналиши бўйича бемалол шугуллана оладиган 35 та репетиторий фойдаланишга топширилди.

Танқидий мақола муаллифи ёзганидек, бир марта кўздан кечириш асосида биз консерваторияда кузатган муҳит шундай: ўқув биносининг хар бир қаватида, қайта таъмирланган ертўласидаги репетиторийлар-

нинг кўпи юртимиздаги турли тадбирлар, танловлар ва тантаналарда фаол иштирок этишини, хатто Италия, Россия каби давлатларда ўтган халқаро танловларда юртимиз шарофтини ҳимоя қилиб, нуфузли

ўринларни қўлга киритганини фахр билан тилга олишди. Яъни мазкур олий таълим даргоҳи мамлакатимиз Президентининг «Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни янада ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Қарори ҳамда илгари сурган бешта муҳим ташаббус ижросини таъминлаш йўлида астойдил ҳаракат қилмоқда. Тўғри, аслида камчиликлар ҳам йўқ эмас. Энг муҳими, уларни бартараф этишга ҳаракатнинг борли-



Олдинги ҳолат



Бугунги ҳолат

ги. Бугун консерваторияда ёшларнинг сифатли таълим олиши, уларнинг маънавий дунёсини бойитиш ва бўш вақтининг мазмунли ўтказиш йўлида аҳил устозлар жамоаси қўлдан келганча ҳаракат қилаётганини ва барча камчиликларни бартараф этишга уринаётганини юқоридаги ижобий натижалар ҳам айтиб турибди. Умид қиламизки, бу даргоҳ талабалари ўзбек санъатини дунёга танитишда муносиб ҳисса қўшиш орқали устозларининг саъий ҳаракатини, меҳнатини юзага чиқаришда давом этадилар.

Муҳаббат ШАРИФОВА

да ҳам талабаларнинг бир ўзи ёки устозлари билан қайсидир куйни машқ қилаётгани ёки ниманидир ўрганаётганини кўрдик. Бинонинг ертўла қаватидаги қайта таъмирланган оркестрлар хонасида сочлари оппоқ кутулғ ёшдаги устозлар ҳам бор эди. Ўқитувчилар консерватория талабала-



Болалар оромгоҳларида

**“Алпомиш”да таътил соз ўтмоқда**

Самарқанд шаҳар ҳокимлиги маданият бўлими тасарруфидаги маданият марказлари ўз бадиий ҳаваскорлик жамоалари билан баҳаво тоғлар орасида жойлашган “Алпомиш” болалар оромгоҳида “Ез ўтмоқда соз!” деб номланган кўнгилочар тадбирларни ташкил этиб келмоқда.

Навбатдаги тадбирда 2-маданият маркази қошидаги доирачилар тўғараги қатнашчиларининг шўх қуйлари барчани рақсга чорлади. Шунингдек, Акромжон Хусенов, Анвар



Аҳадов, Шерзод Турсунов, Салоҳиддин Орипов каби хонандалар ва ёш истеъдод соҳиби Азимшоҳ Улмасов ўз кўшиқлари билан барчага завқ улашди.

— Бугунги байрам ўқувчиларга манзур бўлди, — деди 2-маданият маркази бадиий раҳбари Гулсара Латипова. — Оромгоҳ маъмурияти ҳам бунинг учун марказ ходимларига миннадорчилик билдирди.

**Очил ЖУМАНАЗАРОВ,**  
Анвар Аҳадов олган сурат

Вилоят театрларида

**“Самарқанднома” кўриги ўтказилди**



Самарқанд вилояти мусиқали драма театрида “Самарқанднома” фольклор-этнографик театрлаштирилган томошасининг кўриги ўтказилди.

Муҳаммадрасул Мамадаминзода саҳналаштирган мазкур томоша кўригида Маданият вазирилик хузуридаги бадиий кенгаш аъзоси, театршунос Тоҳиржон Дўстмуҳаммедов иштирок этди.

Театрлаштирилган саҳна асари бир нечта композицияларни ўз ичига олади.

Ташаббус ижроси амалда

**Тарихий обидада байрам тадбири**



Навоий вилояти Кармана туманидаги “Работи Малик” тарихий обидасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев илгари сурган бешта муҳим ташаббуснинг биринчи йўналиши бўйича байрам тадбири бўлиб ўтди.

Вилоят маданият бошқармаси тасарруфидаги мақом ансамбли, Кармана туман маданият бўлими, Қизилтепа туман “Ванғози” фольклор ижодий жамоалари томонидан ташкил этилган тадбир доирасида ёшларнинг санъатга қизиқишини ошириш, уларни театр, тасвирий санъат, мусиқага кенг жалб қилиш мақсадида, турли бадиий чиқишлар намойиш этилди.

Тадбир


**Ютуқлар сарҳисоб қилинди**

20 июнь куни Қарши шаҳар маданият марказида Қашқадарё вилояти маданият бошқармаси бошлиғи С.Сайимов раҳбарлигида “2019 йил 1-ярим йиллигида маданият ва санъат соҳасида эришилган ютуқлар ҳамда соҳа ходимларининг одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилиши” мавзусида йиғилиш бўлиб ўтди.

Тадбирда С.Сайимов сўз олиб, Президентимиз томонидан маданият ва санъат соҳасига кенг эътибор берилганлигини, ушбу соҳани янада ривожлантириш мақсадида 22 та қарор ва фармон, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг эса 54 та қарори қабул қилингани бунинг ёрқин далили эканини таъкидлади. Шунингдек, Президентимизнинг 2018 йил 28 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни янада ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қароридан белгилаб берилган вазифалар хусусида алоҳида тўхталаркан, маданий-маърифий тадбирлар, тўй ва маросим-

ларда маданият ва санъат соҳаси ходимлари кийиниш ва муомала маданиятига алоҳида эътибор қаратиши шартлигини, бадиий юксак савиядаги, мазмун-моҳияти жиҳатдан ёшларга маънавий озуқа бера оладиган кўшиқлар яратиши ва халққа тақдим этиши лозимлигини алоҳида эслатиб ўтди.

Йиғилишда сўз олган Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби И.Тўраев бугунги кунда мақом ва бахшичилик санъатини янада ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани, санъаткорларимизнинг репертуарини миллий мақом санъати намуналари билан янада бойитиш давр талаби эканлиги ҳақидаги фикр-



мулоҳазаларини билдирди.

Шунингдек, “Ўзбекконцерт” давлат муассасаси вилоят бўлими директори Ш.Тўраев санъаткорларга бериладиган лицензия уларнинг репертуарини бадиий юксак савиядаги кўшиқлар билан бойитиш мақсадида жорий этилганини яна бир бор эслатди. Шунингдек, у барча санъаткорлар лицензия олган ҳолда фаолият кўрсатиш билан бирга, бугунги кун талабидан келиб чиқиб, саҳна маданиятига, одоб-ахлоқ қоидаларига алоҳида эътибор қаратиши лозимлигини таъкидлади.

Семинар



**Шашмақомнинг ғиждувонча талқини**

18 июнь куни Бухоро вилояти Ғиждувон тумани маданият бўлими томонидан “Юксак маънавият булоғи — номоддий маданий мерос, анъанавий хунармандчилик ва шашмақомнинг ғиждувонча талқини” мавзусида илмий-амалий семинар ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ишчи гуруҳ вакили Давлат Муллажонов, Бухоро вилояти маданият бошқармаси бошлиғи Юлдош Генжаев, “Олтин мерос” халқаро жамғармасининг вилоят бошқармаси раҳбари Зулайхо Каримова, вилоят маданият бошқармаси бош мутахассиси Чўян Ҳамидов ва номоддий маданий мерос йўналиши бўйича вилоят маданият бошқармаси мутахассиси Дилноза Раҳмоновалар иштирок этган ушбу анжуманда ёшлар билан ишлашни самарали ташкил этишда маданият, санъат, спорт, ахборот технологиялари ҳамда китоб ўқишга қизиқишни ошириш мавзулари муҳокама қилинди.

**Спортчиларни рақсга чорлади**

13 июнь куни Жиззах вилоятининг Фориш тоғ полигошида Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирилик микёсида ўтказилган спорт мусобақаси қатнашчилари учун “Ўзбекконцерт” давлат муассасаси Жиззах вилояти бўлими хонандаларининг концерти ташкил қилинди. Унда эстрада хонандалари — Наргиза Исмолова ва Висола Нуржоновалар ўзларининг шўхчан куй-кўшиқлари билан барчага хуш кайфият улаштиди.



**Фаол жамоалар тақдирланди**

20 июнь куни Самарқанд вилоятидаги болалар мусиқа ва санъат мактабларининг иқтидорли ўқувчилари иштирокида ҳисобот концерти ўтказилди.

Президентимиз илгари сурган бешта муҳим ташаббус ижросини таъминлаш мақсадида вилоят ҳокимлиги ҳамда маданият бошқармаси томонидан ташкил қилинган мазкур концертда анъанавий хонандалик, бахшичилик, халқ чолғулари, дам-ли ва зарбли чолғулар, фортепиано, торли чолғулар, хореография йўналишида таҳсил олаётган иқтидорли ўқувчиларнинг оркестр, ансамбль ва жамоалари ўз маҳоратларини намойиш этишди.

Тадбир якунида болалар мусиқа ва санъат мактабларининг барча жамоалари, ўсиб келаётган ёш авлодни миллий маданиятимиз ва санъатимизга муҳаббат руҳида тарбиялаш борасидаги фаоллиги учун ташаккурнома ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.



Учрашув

**Бастакор ўқувчилар ҳузурида**



7 июнь куни Қашқадарё вилояти Қарши ихтисослаштирилган санъат мактабида Сурхондарё вилояти маданият бошқармаси тасарруфидоги Узун туман 3-болалар мусика ва санъат мактабининг ўқитувчиси, халқ таълими аълочиси, Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюш-

маси аъзоси профессор Батир Жилкибаев билан ижодий учрашув бўлиб ўтди.


Ўзбекистон Республикаси Президенти илгари сурган беш ташаббус ижросини таъминлаш мақсадида ўтказилган мазкур учрашувда мактабининг барча ўқитувчи ва ўқувчилари иштирок этишди.

Тадбирда Батир Жилкибаев ўз ҳаёти ва ижоди ҳақида ҳикоя қилиб, “Баҳор”, “Андантинго” каби 2019 йилда яратган куйларидан намуналар ижро этди. Бастакор бу йил тўртта куй яратган бўлиб, уларнинг иккитаси фортепиано учун ижод қилинган асарлардир.

Қадимий касб

Ўзбек халқининг миллий хунармандчилигида унут бўлаётган соҳа турларидан бири чодирдўзлик касбидир. Чодир — кўчма уй ҳисобланиб, мавсумий олиби юриш ҳамда ўрнатишда енгил ва осон бошпана вазифасини ўтовчи рўзгор буюми ҳисобланади. Бу соҳа касобларини қадимда “ҳаймадўз”лар, яъни чодир тикувчилар (чодирдўзлар) деб атаганлар. “Хайма” арабча сўз бўлиб, чодир маъносини англатади. Буюк мунажжим ва шоир Умар Ҳайёмнинг ҳам асли касби чодирдўзлик бўлган. XV асрда Самарқандда яшаб ижод этган шоир Мавлоно Мир Аргун ҳам ҳаймадўз — чодирдўзлик касби билан шугулланган.

# Унутилаётган ҳунар



Ўрта асрларда чодирларга эҳтиёж кучли бўлган ва шу туфайли бу касб билан бутун бир оила, гузар, мавзе ёки кишлоқ аҳли машғул бўлишган. Натijaда уларни чодирдўзлар номи билан атаганлар.

Ўзбекистон халқлари этнографияси билан яқиндан танишган олима О.Сухарева чодирдўзлик қадимий касб эканлигини айтиб, шарқий чеккадаги Кўкалдош мавзесида истиқомат қиладиган кишилар бўйра тўкиш, беланчак, тапчан яшаш, чодирдўзлик каби хунармандчилик турлари билан шугулланишларини, бу ҳам улуг касблардан эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтади.

Самарқанд шаҳрининг жанубида жойлашган кишлоқнинг Ҳаймар деб номланishi ҳам бежиз эмас, чунки бу ерда маҳаллий аҳоли қадимда асосан чодирдўзлик ҳунари билан шугулланиб келган. Ўрта асрларда чодирлар харбий юришларда дам олиш ётоғи, шахарлар атрофида, подшо томонидан уюштириладиган сайиллар ва тўй-томшаларда меҳмонлар учун енгил, ихчам меҳмонхона вазифасини ўтаган.

Соҳибқирон Амир Темури набираларининг хатна тўйларини ўтказиш муносабати билан 1404 йилнинг 7 сентябрида Конигил мавзесида уюштирган тадбир хусусида ҳам тарихчилар қизиқаришга маълумотларни ёзиб қолдиришган. Тўй бир неча кун давом этгани боис, жуда катта майдонда сержило чодирлар ўрнатишган. Шу базмда шахсан иштирок этган Испания қироллигининг элчиси Рюи Гонсалес де Клавихо ўз кундаликларида ушбу шодийна ҳақида шундай ҳикоя қилади: “Конигилда ўн-ўн беш минг чодир ўрнатилиб, издиҳомда сарой аҳли, вазир-визарлардан ташқари, аҳолининг турли табақа вакиллари ҳам қатнашган”.

Клавихо чодирларни мансабдор шахсларнинг лавозими бўйича жойлаштириш тартиби, жиҳози, безаклари ҳамда уларнинг турлари ҳақида ёзади. Бундан ташқари, подшо ҳарамли, маликалар турган чодирларнинг ҳам

нозик дид ва турли мато парчалари билан безатилганини айтган экан, элчи: “улар сариқ рангда ипак билан чатилган, олтин нақши бўлган ташқарисига уқалар тугилган эшик ва деразалар ипак тизимчалар билан тортиб қўйилган. Бу ерда доирасимон оддий кичик ўтовлардан тортиб, арабий ва Иброҳимий чодирлар, эроний дарпардалар ўрнатишган. Чодирларнинг айримлари ниҳоятда катта тўртбурчак шаклида, эни 100 қадам, баландлиги уч найза бўйи бўлиб, улар 12 дона олтин устунга ўрнатишган”, — деб ёзади.

Соҳибқирон Амир Темурининг харбий юришлари чоғида ҳам чодирлардан кенг фойдаланилган. Абдураззоқ Самарқандий “ҳар икки суворийнинг битта захира чопқироти, биттадан чодир, қозон, кетмон, болта, ўроқ, бигиз, иккитадан белкуррак, 100 та игна, ярим ман арқон, битта ошланган тери” бўлиши шартлигини айтиб ўтади. Саркардалар фойдаланган чодирлар шароит ва эҳтиёжга қараб, ҳажми ва шакли жиҳатидан турлича бўлган. Масалан, кўп кишига мўлжалланган, жамоа бўлиб намоз ўқиш учун катта ҳажмга эга бўлган махсус чодирлар ҳам тикилган.

Чодирлар асосан махсус қалин бўз матодан тайёрланган. Айниқса, харбий чодирларнинг бўзи жуда узоқ ва машаққатли вазиятларга дуч келиши инобатга олинган ҳолда ниҳоятда пишиқ бўлишига катта эътибор берилган. Чодирлар асосан девор вазифасини ўтаган асосий қисми ва том қисмидан иборат бўлган. Улар тез йиғиштириладиган ва тез тикланадиган, олиб юришга қулай ва енгил бўлиши учун чодир қобиргаларига мустаҳкам ҳамда енгил қоратол ёғочларини ишлатганлар. Чодир деворларининг ташқи томони асосан қалин бўз матосидан тикланган.

Чодирнинг том қисми асоси квадрат шаклида бўлган. Ўрта қисмига чармдан бириктирувчи мосламалар тикилган ва утиркак вазифасини ҳам ўтаган. Ўрнатиладиган жойида мустаҳкам туриши учун чодирнинг тўрт бурчаги-

дан арқон билан тортиб, ерга қоқилган қозикларга боғлаб қўйилган. Бунинг натижасида чодир шамолларга ҳам дош берадиган мустаҳкам қўналгага айланган.

Чодир бўз деворининг ички томонига меҳроб шаклида безак композициялари жойлаштирилган. Безак учун маҳаллий шойи, адрас, сурп матоларидан фойдаланилган.

Ўрта Осиё Чор Россияси томонидан босиб олинганидан сўнг кўпгина ноёб буюмлар қаторида Бухоро амирлиги сарбозларининг харбий чодирлари ҳам Санкт-Петербург шахрига олиб кетилган. Ҳозир ушбу ашёлар Эрмитаж музейида сақланмоқда.

Республикамаизнинг кўплаб музейларида, жумладан, Ўзбекистон давлат санъат музейида XIX асрнинг 70-йилларига оид ноёб қимматли буюм ҳисобланган Бухоро миллий хунармандчилигига хос бўлган 370x370x400 см ҳажмда бўлган чодир сақланмоқда. Уни тайёрлашда ҳам маҳаллий матолардан кенг фойдаланилган.

Самарқанд давлат музей-кўриқхонаси тасарруфидоги Ўзбекистон маданияти тарихи давлат музейи захираларида ҳам иккита XVIII аср охири-XIX аср бошларига оид бўлган худди шундай чодирлар сақланмоқда. Уларнинг ташқи бўз матоси яшилтоб рангда, шойи, адрас мато қуроқлари билан зеб берилган. Сақланиши жиҳатидан бир оз таъмирталб бўлган ушбу ашёлар чодирдўзлик хунарининг нодир намуналаридандир.

**Сафура РЎЗИМУРОВА,**  
Ўзбекистон маданияти тарихи давлат музейи санъат бўлими мудири  
**Гулбаҳор АБДУРАҲМОНОВА,**  
Ўзбекистон маданияти тарихи давлат музейи катта илмий ходими

Семинар

## Гиёҳвандлик хавфли иллат



Қашқадарё вилояти мусикали драма театрида “Гиёҳвандлик — хавфли иллат” мавзусида семинар бўлиб ўтди.

Халқаро гиёҳвандликка қарши кураш кунли муносабати билан ўтказилган анжуманда театр директори Ў.Маҳматқуловнинг гиёҳвандликнинг салбий оқибатлари, келиб чиқиш сабаблари ва касаллик белгилари хусусидаги маърузаси тингланди. Бу борада тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш муҳимлиги, ташвиқот ишларининг энг таъсирчан воситаси санъат, айниқса, санъаткорлар эканлиги алоҳида айтиб ўтилди.

Семинар давомида гиёҳвандликнинг салбий оқибатлари акс эттирилган видеоролик намойиш этилди.

Таъбиянома

### Мангу муҳаббат куйчиси

22 июнь куни Қорақалпоғистон Республикаси И.Савицкий номидаги давлат санъат музейи расм-реставратори Альвина Андреевна Шпади 84 ёшида вафот этди.


Альвина Андреевна 1935 йилда Туркманистоннинг Мари вилоятига кўчиб келган немислар оиласида туғилган. Шота Руставели номидаги билим юртини тамомлагач, у Байрам-Али шахридаги мактаблардан бирида чизмачилик ва таъсирий санъат фанларидан болаларга сабоқ беради. 1960 йилда уилк бор Нукусга келиб, ЎзФАнинг Қорақалпоғистондаги филиалига ишга кирди. Мана шу ерда Альвина И.Савицкий билан учрашди.

1962 йилда у Тошкент театр ва расмчилик институтига матолар бўйича расм йўналиши бўйича ўқишга кирди. Учинчи босқичда ўқишини Москва енгил саноат институтига давом эттирган ёш расм 1969 йили яна Нукусга қайтиб ҳамда музейга мато ва кашталар бўйича реставратор сифатида ишга қабул қилинди. Музейдаги узоқ йиллик фаолияти давомида расм Бердак номидаги драма ва комедия театри билан ҳамкорликда ишлади.

2015 йилда расм 80 ёшга тўлиши муносабати билан “Альвина Шпади олами”, 2018 йилда эса “Қорақалпоғистон — мангу муҳаббатим менинг” кўргазмалари намойиш этилган.

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазири И.Савицкий номидаги давлат санъат музейи расм-реставратори

**Альвина Андреевна ШПАДИ**нинг вафоти муносабати билан Қорақалпоғистон Республикаси Маданият вазири И.Савицкий номидаги Қорақалпоғ давлат санъат музейи жамоаларига, марҳумнинг барча яқинлари ва ҳамкасбларига қуқур ҳамдардлик билдиради.



Ташаббус ижроси амалда


### Мактабларда учрашувлар

Президентимиз илгари сурган беш ташаббус ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Сурхондарё вилояти Кенгаши, маънавият-марифат бўлими, мақом ансамбли, Термиз ихтисослаштирилган санъат мактаби, “Ўзбекконцерт” давлат муассасаси вилоят бўлими, Термиз давлат университети ҳамда мутассадди ташкилотлар ҳамкорлигида маънавий-маърифий тад-



бирлар ташкил этилмоқда. Мазкур ташкилотлар вакилларида иборат тарғибот гуруҳи ҳамкорлигида 28 май кунин Ангор туманининг 12- ва 14-умумий таълим мактабларида, 7 июнь кунин эса вилоятнинг Шеробод туманидаги 12- ва 47-умумий таълим мактабларида учрашувлар ўтказилди.

**УТЕМИРОВ,**  
“Ўзбекконцерт” давлат муассасаси Сурхондарё вилоят бўлими директори



Муслиқий лойиҳа



## “Open air. Sahro simfoniyasi” ўтказилди

18-27 июнь кунлари Ўзбекистоннинг бешта шаҳрида катта муслиқий лойиҳа — “OPEN AIR. SAHRO SIMFONIYASI” бўлиб ўтди.

20 июнь кунин Хоразм вилояти Хива шаҳридаги “Ичан қалъа” давлат музей кўриқхонасининг “Ота Дарвоза” олд майдонида дирижёр Алибек Кабдурахмонов раҳбарлигида Республика симфоник оркестрининг муслиқий концерти старт олди.

Очиқ осмон остида ўтказилган концертни томоша қилиш учун майдонга 3000 дан ортиқ томошабин ташриф буюрди. Улар орасида маҳаллий ва хорижийлик сайёҳлар ҳам бор эди. Концерт чипталари бепул тарқатилди.

Хивада илк маротаба ўтказилган мазкур муслиқий лойиҳа 100 фоиз жонли ижрода тақдим этилди. Унда мумтоз асарлар, машхур романтик куйлар ва опера муслиқлари, фильмлардан муслиқалар, рақс композицияларининг асл танловлари, томошабинлар учун қўтилмаган совғалар ва яна кўп

қизикарли “туҳфа”ларни қамраб олган беш турдаги шоулар ўтказилди.

Муслиқий чироқ усқуналари билан безатилган сахна, шаҳарнинг ўзига хослигини ақс эттирувчи визуал экранлар ва қадим меъморий обидалари мавжуд “Ичан қалъа”нинг тунги мўъжизавий кўриниши концертга алоҳида файз берди. Симфоник оркестр дирижёри Алибек Кабдурахмоновнинг самимий ва хушчақчақ нутқи томошабинларнинг кайфиятини кўтарди.

Бир ярим соат мобайнида давом этган концерт мухлисларнинг гулдурос ва давомли олқишлари билан якунланди. Бир сўз билан айтганда муслиқий концерт Хивада ўтказиладиган “Рақс сеҳри” ва “Ковун сайли” каби йирик лойиҳалар қаторидан муносиб жой олди.



Ушбу лойиҳа 23 июнь кунин Сурхондарё вилояти Термиз шаҳрида қад ростлаган санъат саройида давом этди.

“OPEN AIR. SAHRO SIMFONIYASI” га вилоятнинг барча ташкилот ва идоралари ишчи-ходимлари, маданият бошқармаси, шаҳар маданият маркази бўлими ҳамда филармония, мақом ансамбли ва “Ўзбекконцерт” давлат муассасаси вилоят бўлими вакиллари ташриф буюришди.

Оркестр жамоасининг бетакрор чиқишларини Миллий симфоник оркестрининг бадий раҳбари, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист Исмоил Жалилов бошқариб борди. Мухлислар эътиборидаги ҳар бир чиқиш давомли олқишлар билан қарши олинди.

Ўзбекистон миллий симфоник оркестрининг концерти якунига етгач, меҳмонлар бадий жамоани гуллар билан табриқлашди ва тадбир ташкилотчиларига ўз миннатдорчилигини билдиришди.

Ушбу лойиҳа Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Ўзбекистон давлат филармонияси, Хоразм, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари ҳокимиятлари томонидан амалда оширилмоқда.

Эътибор

## Кутубхонада мини-босмахона

Юртимизда кутубхоналар фаолиятини тубдан такомиллаштириш, китобхонлик маданиятини ривожлантириш, ёшларни мутолагага жалб этиш борасида қатор ишлар қилинмоқда. Жумладан, республикадаги имкони чекланган шахсларга ахборот-кутубхона хизмати кўрсатиш шароитларини янада яхшилаш борасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг соҳавий ривожланиш бўйича амалга ошираётган ишлари ўз натижаларини бермоқда.



Бугунги кунда юртимизда 110 та кўзи оғирлар кутубхонаси фаолият олиб боради, 2 та республика, 12 та вилоят ва 96 та туман филиаллари шулар қаторига қиради. Республика марказий кўзи оғирлар кутубхонаси 6 минг нафардан ортиқ фойдаланувчига хизмат кўрсатмоқда. Кутубхонага кела олмайдиган ёлғиз, кекса ва қўшимча ногиронлиги бўлган кишилар учун “Уйга етказиш хизмати” ташкил қилинган. Кутубхонадаги кўзи оғирлар ногиронлиги бўлган фойдаланувчиларга хизмат кўрсатувчи ресурслар залида 10 та компьютерга махсус овозли JAWS ва NVDA дастурлари ўрнатилган. Заиф кўрувчилар учун ҳарфларни катталаштирувчи “Тораз” усқунаси, “Saga” овозли сканери ва дисклардан нусха кўчирувчи техника китобхонлар хизматида. Ўқув залида компьютер саводхонлиги бўйича махсус ўқув дарслари ташкил этилган.

Кутубхонада фойдаланувчиларнинг адабиётларга, хусусан, аудио-нашрлар, брайль ёзувидаги китобларга бўлган эҳтиёжини таъминлаш мақсадида овоз ёзиш студияси ташкил этилган. 2015 йилдан буён ушбу студияда аудио-нашрлар тайёрланмоқда. Шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурашимиз” ва “Танқидий



таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик — ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундулик қондаси бўлиши керак” номли маърузалари аудио-китоб тарзида ёзилди. Студияда аудио-китоблар ёзиш билан бирга, яроқсиз ҳолга келган магнит лента ва микрокасетаалар қайтадан дискларга кўчирилади.

Бу йил Сурхондарё вилоятида кўзи оғирлар кутубхонаси ва унинг тасарруфидаги туман филиаллари ишини яхшилаш, ногиронлиги бўлган шахсларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжларини ўз вақтида ва тўлақонли қондириш мақсадида, вилоят кўзи оғирлар кутубхонаси қошида ҳам овоз ёзиш студияси очилди. Бу ерда мазкур кутубхона ва ЎзКОЖ Сурхондарё вилоят бўлими ҳамда ЎзКОЖ Термиз шаҳар бўлинмаси билан ҳамкорликда аудио форматдаги адабиётларни CD ва DVD форматда ёзиш, виртуал ахборот етказиб беришнинг янги инновацион хизмат шакллари жорий қилиш кўзда тутилган.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ҳузуридаги ахборот-кутубхона муассасаларини ривожлантириш жағмармаси томонидан ажратилган маблағ ҳисобига Республика мар-



казий кўзи оғирлар кутубхонасига брайль ёзувидаги китобларни чоп этишга мўлжалланган “BRILLO-300 S2” номли мини-босмахона олиб келинди. 2018 йилнинг октябрь ойидан рельеф ҳарfli босмахона ўз фаолиятини бошлади.

Китобхонлар талабига биноян мини-босмахонада брайль шрифтида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, “Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни” каби ҳуқуқий адабиётлар билан бирга А.Қодирий таваллудининг 125 йиллиги муносабати билан “Ўткан кунлар” ва “Меҳробдан чаён”, Ў.Умарбековнинг “Одам бўлиш қийин” романлари, М.Юсуф “Кизғалдоғим” шеърини тўплами, Тўлепберган Қайипбергановнинг “Маманбий афсонаси” асарлари каби бадий адабиётлар ҳам чоп этилди.

Ҳозирги кунда фойдаланувчилар сўрови асосида брайль ёзувида беш номда, соҳага оид 4 номдаги жами 100 дон бадий адабиёт нашрга тайёрланмоқда.

**Г.СУЛТОНМЕТОВА,**  
Республика марказий кўзи оғирлар кутубхонаси директор ўринбосари

**МАДАНИЯТ** ОБУНА ИНДЕКСИ: **285**

**МУАССИСЛАР:**  
Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги,  
«Dildosh media» МЧЖ

**Бош муҳаррир**  
Дилбаҳор Худойбердиева

**Тахририят манзили:**  
100029, Тошкент шаҳри, Тарас Шевченко кўчаси, 1.  
Тел.: Факс: (371)-256-04-54

Газета ҳафтанинг пайшанба кунин чоп этилади.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 10.04.2018 й. 0803 рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

Тахририятга келган қўлёзмалар қайтарилмайди ва ёзма жавоб берилмайди. Мақолада келтирилган факт ва асосларга муаллиф жавобгар, унинг фикри тахририят фикридан фарқлиниши мумкин.

«Маданият» материалларидан фойдаланилганда манба кўрсатилиши шарт.

**Нашр учун масъул:** Муҳаббат Шарифова  
**Навбатчи муҳаррир:** С.Рихсиева  
**Навбатчи:** Н. Содиқова

Адади - 9 520 Буюртма - Г - 627

Сотувда келишилган нарҳда Қоғоз бичими А-3, Ҳажми 2 босма табоқ

Газета “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 42. Босмахонага топшириш вақти - 22.40

Топширилди - 22.00

1 2 3 4 5